**Жорий таъмирлашга оид**
**ШАРТНОМАС № 7**
**ЛОТ (22110012095335)**

Самарқанд туман 2022 йил "06" Сентябрь

Кейинги ўринларда "Буюртмачи" деб юритиладиган Самарқанд туман Халқ таълими бўлими номидан «Низом» асосида иш кўрувчи рахбар **Б.Мардонов** бир томондан, кейинги ўринларда "Пудратчи" деб юритиладиган ISLOMBEK SIFAT QURILISH MCHJ номидан «Устав» асосида иш кўрувчи **И.Кенжаев** иккинчи томондан, бўйича қуйидаги шартномани тузДилар.

## I. ТАРИФЛАР

1. Бажариладиган курилиш ишлари лойихага асосан олиб борилади, беркитиладиган ишлар тасдикланганлиги тугрисидаги далолатномалар хамда курилиш нормалари ва коидаларида назарда тутилган бошка хужжатлар ва бажарилган ишни буюртмачи томонидан тасдикланган далолатномаси (Форма-2) асосида иш олиб борилади.

**курилиш майдони** - мазкур шартнома (контракт) доирасида барча ишларни бажариш даврида далолатнома бўйича Буюртмачи томонидан Пудратчига берилган ер участкаси. Объектнинг қурилиш майдони чегараси ажратиб қўйилади ёки бош режага мувофиқ белгиланадиган бошқа белгилар билан белгилаб қўйилади;

**вақтинчалик иншоотлар** - Пудратчи томонидан қурилиш майдонида ўрнатиладиган ва ишларни бажариш учун зарур бўлган хар қандай типдаги вақтинчалик бинолар ва иншоотлар;

**беркитиладиган ишлар** - сифати ва аниқлигини кейинги ишлар бажарилгандан кейин аниқлаш мумкин бўлмаган кейинчалик бажариладиган ишлар ва конструкциялар билан беркитиладиган ишлар;

**шартнома нархини бўлиб чиқиш** - ишларнинг хар бир босқичи ва/ёки турлари қийматини аник белгилаган холда шартнома бўйича объектнинг умумий қийматини босқичларга тақсимлаш.

## II. ШАРТНОМА МАВЗУСИ

2. Пудратчи мазкур шартнома шартларига Самарқанд туман Халқ таълими бўлимига қарашли 19-мактабни лойихада кўзда тутилган холда қуриш бўйича қурилиш ишларини бажариш мажбуриятини олади, Буюртмачи эса Пудратчига қурилиш ишларини бажариш учун зарур шароитлар яратиш, уларни қабул қилиш ва тўловни амалга ошириш мажбуриятини олади.

| № | Ишнинг номи | Бошланғич нархи | Сумма | ККС 15% | Шартноманинг умумий қиймати |
|---|---|---|---|---|---|
| 1 | 19-сон Мактаб филиалини жорий таъмирлаш | 64 362 342 | 55 097 392 | 8 264 608 | 63 362 000 |
| | **Жами** | | | | **63 362 000** |

## III. ШАРТНОМА БЎЙИЧА ИШЛАР ҚИЙМАТИ

3. Мазкур шартнома бўйича Пудратчи томонидан бажарилган, танлов савдоси (тендер) натижасида аниқланган ва тендер комиссиясининг қарори (2022 йил "30" Майдаги 1-сон баённома) билан тасдиқланган ишлар қиймати барча солиқлар, йиғимлар ва ажратмаларни ўз ичига олган холда (ҚҚС ) билан бирга жорий нархлар 63 362 000 (Олтмиш уч миллион уч юз олтмиш икки минг) сўм.

4. Ишлар қиймати узил-кесил хисобланади ва кейинчалик қайта кўриб чиқилиши мумкин эмас, қуйидаги холлар бундан мустасно:

қурилиш қийматини кўпайтиришга енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) холатлари сабаб бўлганда;
ишлар хажми ва тури қатъий равишда ўзгартирилмайди( конунда кузда тутилган холлар бундан мустасно);
объектнинг қурилиши бир йилдан ортиққа ўзгартирилганда.

5. Қурилиш муддати бир йилдан ортиқ бўлганда иккинчи йилга ва кейинги йилларга шартномавий нархларни аниқлаштириш қонун хужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

6. Тегишли асослар мавжуд бўлганда, санаб ўтилган ўзгаришлар Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги шартномага қўшимча битим билан расмийлаштирилади.

## IV. ПУДРАТЧИНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

7. Мазкур шартнома бўйича Пудратчи мазкур шартноманинг II бўлимида назарда тутилган ишларни бажариш учун:

барча ишларни мазкур шартномада назарда тутилган хажмда ва муддатларда ўзининг кучлари ва/ёки жалб қилинган кучлар билан бажариш хамда ишни Буюртмачига мазкур шартнома шартларига мувофиқ топшириш;

Шартномага мувофиқ қурилиш майдонига зарур қурилиш материаллари, буюмлар, конструкциялар, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, қурилиш техникасини етказиб бериш, уларни қабул қилиш, тушириш, омборга жойлаш ва сақлаш;

қурилиш майдони худудида вақтинчалик иншоотлар қуриш;

Буюртмачини пудрат шартномалари тузилиши давомида субпудратчилар билан шартномалар тузилиши, шартнома мавзуси, субпудратчининг номи ва манзили тўғрисида хабардор қилиш;

қурилиш майдонида техника хавфсизлиги, ишларни бажариш вақтида атроф мухитни, ўтказилган дарахтларни ва ер участкасини мухофаза қилиш бўйича зарур тадбирлар бажарилишини таъминлаш, шунингдек ёритиш чироқлари ўрнатиш;

қурилиш таваккалчиликларини суғурта қилиш;

қурилиш майдони қўриқланишини таъминлаш;

мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятларни тўлиқ хажмда бажариш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

8. Пудратчи мазкур шартнома бўйича барча ишларнинг ўз кучлари билан ва субпудратчилар томонидан зарур тарзда бажарилиши хамда объектнинг фойдаланишга тайёр холда топширилиши учун Буюртмачи олдида тўлиқ мулкий жавоб беради.

## V. БУЮРТМАЧИНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

9. Мазкур шартномани бажариш учун Буюртмачи:

мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб уч кун муддатда мазкур шартнома иловасига мувофиқ ишларни бажариш учун яроқли бўлган қурилиш майдонини объект қурилиши ва қурилиш тугаллангунгача бўлган даврда далолатнома бўйича Пудратчига бериш;

ишлар бажарилиши устидан доимий архитектура-қурилиш назоратини ва мазкур шартномада қайд этилган Пудратчи томонидан қабул қилинган мажбуриятлар ва бошқа функцияларга риоя этилишини назорат қилиш, Пудратчидан тугалланган ишларни қабул қилиб олишни таъминлаш;

Пудратчининг барча мурожаатларини ўн кун муддатда кўриб чиқиш ва қарор қабул қилиш;

молиялаштириш жадвалига биноан Пудратчига аванс бериш ва жорий молиялаштиришни амалга ошириш;

мазкур шартнома имзоланган ва тегишли равишда руйхатга олинган кундан бошлаб Пудратчига ишларни қабул қилиш учун зарур бўлган ижро хужжатлари рўйхатини тақдим этиш;

мазкур шартномада назарда тутилган мажбуриятларни тўлиқ хажмда бажариш мажбуриятини олади;

## VI. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ МУДДАТЛАРИ

10. Шартнома:

миллий валюта "сўмда" ўзаро хисоб-китоб қилинганда - томонлар уни имзолаган пайтдан бошлаб;

кейинчалик ЭАВга конвертация қилган холда миллий валютада "сўмда" ўзаро хисоб-китоб қилинганда - шартнома қонун хужжатларига мувофиқ рўйхатдан ўтказилгандан кейин кучга киради.

11. Пудратчи мазкур шартномага илова қилинадиган молиялаштириш жадвалига мувофиқ биринчи аванс тўлови тушган кундан бошлаб ишларни бажаришга киришади.

12. Танлов савдолари натижаси бўйича аниқланган қурилишнинг давом этиш вақти ишлар бошланган кундан эътиборан 50 кунни ташкил этади.

13. Мазкур шартнома бўйича ишлар Смета хужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

## VII. ТЎЛОВЛАР ВА ХИСОБ-КИТОБЛАР

14. Буюртмачи Пудратчига шартнома бўйича ишлар умумий жорий қийматининг 30 (ўттиз) фоизи миқдорида аванс ўтказади.

15. Буюртмачи томонидан Пудратчига аванс берилгандан сунг, кейинги тулов “ Бажарилган ишлар” далолатномасига (форма-2) хамда назорат куригидан утказилгандан сунг амалга оширилади.

16. Пудратчи объект фойдаланишга топширилгунга қадар мазкур шартнома бўйича объектга мулк хуқуқини ўзида сақлаб қолади. Объект Буюртмачига топширилгунга қадар объектнинг тасодифий йўқ қилиниши ва шикастланиши хавфи Пудратчининг зиммасида бўлади.

17. Буюртмачи мазкур шартнома бўйича ўз зиммасига қабул қилган мажбуриятларни шартнома кучга кирган кундан бошлаб ўттиз кун мобайнида бажармаган тақдирда, Пудратчи бу хақда қонун хужжатларида белгиланган тартибда Буюртмачини ёзма равишда хабардор қилган холда, шартномага ўзгартиришлар киритиш ёки шартномани бир томонлама тартибда бекор қилиш хуқуқига эгадир. Бунда Буюртмачи Пудратчи томонидан бажарилган ишлар учун хақ тўлашдан озод қилинмайди.

## VIII. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ

18. Пудратчи ишларни бажариш лойихасига асосан ишларни бажаришни мустақил равишда ташкил этади.

19. Пудратчи объектда ишларни олиб бориш тартибини давлат архитектура-қурилиш назорати органлари билан келишади ва унга риоя этилиши учун қонун хужжатларида белгиланган тартибда жавоб беради.

20. Қурилиш майдонида умумий тартибни таъминлаш Пудратчининг вазифаси хисобланади.

21. Буюртмачи қурилиш майдонини бериш тўғрисидаги далолатнома билан бир вақтда Пудратчига ортиқча тупроқ ва қурилиш ахлатини жойлаштириш ва етишмаётган тупроқни қазиб олиш учун жой ажратиш тўғрисидаги хужжатларни беради.

22. Пудратчи геодезия нуқталарига, линиялар ва даражаларга нисбатан объектнинг тўғри ва зарур тарзда белгиланиши, шунингдек баландлик белгилари, ўлчамлари ва бўлиш ўқларининг мувофиқлиги тўғри жойлашганлиги учун жавоб беради.

Агар ишларни бажариш жараёнида амалга оширилган бўлиш ва геодезия ишларида хатолар аниқланса, Пудратчи Буюртмачи билан келишган холда тегишли тузатишларни ўз хисобидан киритади.

23. Пудратчи геодезия бўлиш ишларида ўрнатиладиган координатлар ва баландликлар, геодезия белгиларининг жойлашиши схемалари ва жадвалларини сақлайди, ишларни бажариш даврида ва улар тугаллангандан кейин уларни далолатнома бўйича Буюртмачига беради.

24. Қурилиш майдонида ишларни бажариш даврида коммуникацияларни вақтинча улашни ва улаш нуқталарида янгидан қурилган коммуникацияларни улашни Пудратчи амалга оширади.

25. Пудратчи ўзи томонидан қурилишда қўлланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкциялар ва тизимлар сифати лойиха хужжатларида кўрсатилган спецификацияларга, давлат стандартларига, техник шартларга мувофиқ бўлишини хамда уларнинг сифатини тасдиқловчи тегишли сертификатларга, техник паспортларга ёки бошқа хужжатларга эга бўлишини кафолатлайди.

26. Алохида масъулиятли конструкциялар ва беркитиладиган ишлар тайёр бўлишига қараб уларни қабул қилиш бошланишидан 2 кун олдин Пудратчи Буюртмачини ва "Даврхитектқурилишназорат" инспекциясини ёзма равишда хабардор қилади.

27. Агар беркитиладиган ишлар Буюртмачининг тасдиғисиз бажарилган бўлса ёки у бу хақда хабардор қилинмаган бўлса, ёки кечикиб хабардор қилинган бўлса, у холда унинг талаби бўйича Пудратчи Буюртмачининг кўрсатмасига мувофиқ беркитиладиган ишларнинг исталган қисмини ўз хисобидан очишга, сўнгра эса уни тиклашга мажбурдир.

28. Агар Буюртмачи Пудратчи ва (ёки) унинг субпудратчилари томонидан ишларнинг сифатсиз бажарилганлигини аниқласа, у холда Пудратчи ўз кучлари билан ва қурилиш қийматини кўпайтирмасдан ушбу ишларни уларнинг зарур сифатини таъминлаш учун келишилган муддатда қайта бажаришга мажбурдир.

Агар Пудратчи сифатсиз бажарилган ишларни келишилган муддатларда тузата олмаса, Пудратчи уларни тузатишнинг кечикиши оқибатида етказилган зарарларни Буюртмачига тўлайди.

29. Пудратчи қурилиш майдонини ва унга туташ кўча полосасини, шу жумладан йўл участкалари ва йўлакларни супуриб-сидиради ва озода сақлайди, қурилиш даврида майдондан қурилиш ахлатини Буюртмачи томонидан кўрсатилган жойга чиқариб ташлайди.

30. Ишлар бошланган пайтдан бошлаб улар тугаллангунгача Пудратчи ишларни бажариш дафтарини юритади. Дафтарда бутун ишларнинг бориши, Буюртмачи ва Пудратчининг ўзаро муносабатларида ахамиятга эга бўлган холлар ва холатлар (ишларнинг бошланиши ва тамом бўлиши санаси, материаллар, асбоб-ускуналар берилиши, хизматлар кўрсатилиши санаси, ишларнинг қабул қилиб олиниши, ўтказилган синовлар, материаллар ўз вақтида етказиб берилмаслиги билан боғлиқ тўхтаб қолишлар, қурилиш техникасининг ишдан чиқиши тўғрисидаги маълумотлар, шунингдек қурилишни тугаллашнинг узил-кесил муддатига таъсир қилиши мумкин бўлган барча маълумотлар) акс эттирилади.

Агар Буюртмачи ишларнинг бориши ва сифатидан ёки Пудратчининг қайдларидан қониқмаса, у холда ишларни бажариш дафтарида ўз фикрини баён қилади.

Пудратчи дафтарда Буюртмачи томонидан асосли равишда кўрсатилган камчиликларни 3 кун муддатда бартараф этиш чора-тадбирларини кўриш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

## IX. ЕНГИБ БЎЛМАЙДИГАН КУЧ (ФОРС-МАЖОР) ХОЛАТЛАРИ

31. Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги табиат ходисалари ва бошқа енгиб бўлмайдиган куч холатлари натижасида келиб чиқса ва агар бу холатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, томонлар бундай қисман ёки тўлиқ бажармаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар.

Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб бўлмайдиган куч холатлари амал қилган, шунингдек ушбу холатлар юзага келтирган вақтга мутаносиб равишда узайтирилади.

32. Агар енгиб бўлмайдиган куч холатлари ёки уларнинг оқибатлари бир ойдан кўп вақтга чўзилса, у холда Пудратчи ва Буюртмачи ишларни давом эттириш ёки уларни консервация қилиш учун қандай чоралар кўрилишини мухокама қиладилар.

33. Агар томонлар икки ой ичида келиша олмасалар, у холда томонларнинг хар бири шартнома бекор қилинишини талаб қилишга хақлидир.

## X. КАФОЛАТЛАР

34. Пудратчи:

барча ишлар тўлиқ хажмда ва мазкур шартнома шартларида белгиланган муддатларда бажарилишини;

лойиха хужжатларига хамда қурилиш меъёрлари, қоидалари ва техник шартларига мувофиқ барча ишларни бажариш мажбуриятини;

ўзи томонидан қурилиш учун қўлланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкция ва тизимлар сифатини, уларнинг лойиха хужжатларида кўрсатилган сертификацияларга, давлат стандартларига хамда техник шартларга мувофиқлигини;

объектдан фойдаланилганда мухандислик тизимлари ва ускуналарнинг фойдаланиш қоидаларига мувофиқлигини кафолатлайди.

Мавжуд нуқсонлар ва уларни бартараф этиш муддатлари Пудратчи ва Буюртмачининг икки томонлама далолатномасида қайд этилади.

35. Пудратчи нуқсонлар ва чала ишлар кўрсатилган далолатномани тузишдан ёки имзолашдан бош тортган тақдирда, уларни текшириб чиқиш "Даврхитектқурилишназорат" органлари томонидан амалга оширилади, бу томонларнинг ушбу масала бўйича хўжалик судига мурожаат қилишини истисно этмайди.

## XI. ШАРТНОМАНИ БЕКОР ҚИЛИШ

36. Буюртмачи:

шартнома кучга киргандан кейин қурилишнинг бошланиши Буюртмачига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра Пудратчи томонидан бир ойдан кўп вақтга кечиктирилганда;

ишларни тугатишнинг мазкур шартномада белгиланган муддати Пудратчининг айби билан бир ойдан ортиқ муддатга кўпайган холда, Пудратчи томонидан ишларни бажариш жадвалига риоя этилмаганда;

Пудратчи томонидан шартнома шартлари қурилиш меъёрлари ва қоидаларида назарда тутилган ишларнинг сифати пасайишига олиб келадиган даражада бузилганда;

қонун хужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш хуқуқига эга.

37. Пудратчи:

ишларнинг бажарилиши Пудратчига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра Буюртмачи томонидан бир ойдан ортиқ муддатга тўхтатиб қўйилганда;

Буюртмачи томонидан молиялаштириш шартлари бажарилмаганда;

қонун хужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш хуқуқига эга.

38. Шартнома бекор қилинганда Буюртмачи ва Пудратчининг қўшма қарорига кўра тугалланмаган қурилиш бир ой муддатда Буюртмачига берилади, Буюртмачи бажарилган ишлар қийматини Пудратчига тўлайди.

39. Мазкур шартномани бекор қилишга қарор қилган томон мазкур бўлим қоидасига мувофиқ иккинчи томонга ёзма билдиришнома юборади.

40. Шартнома бекор қилинган тақдирда айбдор томон иккинчи томонга етказилган зарарни, шу жумладан бой берилган фойдани тўлайди.

41. Шартноманинг бир томонлама бекор қилинишига йўл қўйилмайди, қонун хужжатларида ёки мазкур шартномада назарда тутилган холлар бундан мустасно.

## XII. ТОМОНЛАРНИНГ МУЛКИЙ ЖАВОБГАРЛИГИ

42. Томонлардан бири шартнома мажбуриятларини бажармаган ёки зарур даражада бажармаган тақдирда айбдор томон:

иккинчи томонга етказилган зарарларни қоплайди;

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексида, "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хуқуқий базаси тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида, бошқа қонун хужжатларида хамда мазкур шартномада назарда тутилган тартибда бошқача жавобгарликка тортилади.

43. Мазкур шартномага тегишли иловаларда кўрсатилган ўз мажбуриятларига риоя қилмаганлиги, ўз вақтида молиялаштирмаганлиги ва шартномада белгиланган бошқа мажбуриятларни бузганлиги учун Буюртмачи Пудратчига кечиктирилган хар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,2% фоизи миқдорида пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар қийматининг % фоизидан ошмаслиги лозим.

Пеня тўланиши Буюртмачини шартнома шартлари бузилиши туфайли етказилган зарарни қоплашдан озод қилмайди.

44. Шартномага мувофиқ бажарилган ишлар хажмини тасдиқлашдан асоссиз равишда бош тортганлиги учун Буюртмачи Пудратчига ўзи тасдиқлашни рад этган ёки бош тортган сумманинг 10% фоизи миқдорида жарима тўлайди.

45. Пудратчи объектни ўз вақтида ишга тушириш бўйича ўз мажбуриятларини бузганлиги учун Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган хар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,2% фоизи миқдорида пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси объект шартномавий жорий қийматининг 10% фоизидан ошмаслиги лозим.

Буюртмачи томонидан топилга нуқсонлар ва качиликлар ўз вақтида бартараф этилмагани учун Пудратчи буюртмачига муддати ўтказиб юборилган хар бир кун учун сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 0,2% фоизи миқдорида пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 10% фоизидан ошмаслиги керак.

Пеня тўлаш Пудратчини ишларни бажаришнинг ёки хизматлар кўрсатишнинг кечикиши туфайли етказилган зарарларни қоплашдан озод қилмайди.

46. Агар бажарилган ишлар сифати белгиланган стандартларга, қурилиш меъёрлари ва қоидаларига, иш хужжатларига мувофиқ бўлмаса, у холда Буюртмачи "Давархитектқурилишназорат" инспекциясининг хулосаси асосида объектни қабул қилиш ва унинг учун хақ тўлашдан бош тортиши, шунингдек Пудратчидан сифати зарур даражада бўлмаган ишлар қийматининг 18% фоизи миқдорида жарима ундириш хуқуқига эга.

47. Шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилмаганлиги учун мазкур моддада назарда тутилган жазолардан ташқари шартномани бузган томон иккинчи томонга бошқа томон тарафидан қилинган харажатларда, мол-мулкнинг йўқотилиши ёки шикастланишида, шу жумладан бой берилган фойдада ифодаланадиган пеня билан қопланмаган зарарларни қоплайди.

48. Муддат ўтказиб юборилганлиги ёки мажбуриятларнинг бошқача тарзда зарур даражада бажарилмаганлиги учун пеня тўлаш томонларни ушбу мажбуриятларни бажаришдан озод қилмайди.

## XIII. НИЗОЛАРНИ ХАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

49. Шартномани бажаришда ва бекор қилишда шунингдек етказилган зарарларни қоплашда пайдо бўладиган низоли масалаларни томонлар хал этолмаса улар қонун хужжатларида белгиланган тартибда иқтисодий суд томонидан кўриб чиқилади.

## XIV. Тарафларнинг коррупцияга қарши курашиш бўйича маъсулияти.

5.1. Тарафлар шартнома шартларини амалга оширишда Ўзбекистон Республикаси "Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида"ги қонун талабларига сўзсиз амал қилади.

5.2. Тарафлар, уларнинг вакиллари ва ходимлари ўз мажбуриятларини бажариш жараёнида ушбу шартнома бўйича мажбуриятларни ўз зиммасига олган ҳолда, ушбу шартнома доирасида қонун бузилишга олиб келадиган ҳаракатлар(ҳаракатсизлик)га йўл қўймайдилар.

5.3. Тарафлар Ўзбекистон Республикасининг коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги амалдаги қонун ҳужжатлари талабларига риоя этиш баробарида қуйидагиларга йўл қўймаслик мажбуриятини оладилар:

- пора бериш, шунингдек ушбу жиноятга воситачилик қилиш;
- товламачилик, ёки бошқа ноқонуний йўллар билан пора олишга ундаш;
- пора олишга бевосита ёки билвосита розилик бериш.

5.4. Тарафлар, уларнинг вакиллари ва ходимлари рағбатлантиришнинг ҳар қандай шаклини рад етадилар. жумладан:

- тарафларнинг ходимлари ёки вакилларидан пул маблағлари олиш, совғалар бериш, уларга бепул хизматлар кўрсатиш ёки ишларни бажаришни ушбу ҳаракат(ҳаракатсизлик)ни амалга оширган ходим ёки ваколатли вакил уни рағбатлантирадиган томон фойдасига ҳар қандай ҳаракатни бажаришни.

5.5. Тарафларга шартнома шартларини амалга оширишда сунъий равишда иккинчи тарафга ноқулайликлар туғдириб, коррупциявий омил пайдо бўлишига бевосита ҳамда билвосита сабабчи бўлиш тақиқланади.

5.6. Агар шартнома тарафлари томонидан шартнома шартларига риоя қилмаслик ёки ушбу шартларнинг бузилиш ҳолатлари содир бўлган ёки содир бўлиши мумкин деб гумон қилинганда шунингдек, шартноманинг 5.1-бандида белгиланган қоидалардан бири содир етилганда ушбу ҳаракат содир етилганлиги юзасидан иккинчи томонни хабардор қилиш мажбуриятини ўз зиммасига олади ҳамда шартнома шартлари ёки қонун бузилишининг инкор етилмайдиган далиллари мавжуд бўлганда, шартнома тарафлари Ўзбекистон Республикасининг коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги ваколатли давлат органларига мурожаат қиладилар.

## XVI. АЛОХИДА ШАРТЛАР

50. Мазкур шартнома имзолангандан кейин, мазкур шартномага тегишли бўлган томонлар ўртасидаги барча олдинги ёзма ва оғзаки битимлар, ёзишмалар, томонларнинг ўзаро келишувлари ўз кучини йўқотади.

51. Пудратчи қурилиш объектига ёки унинг алохида қисмларига тегишли иш хужжатларини Буюртмачининг ёзма рухсатисиз, субпудратчилардан ташқари, бирон-бир учинчи томонга сотиш ёки бериш хуқуқига эга бўлмайди.

52. Мазкур шартномага барча ўзгартириш ва қўшимчалар, агар улар амалдаги конунларга асосланган равишда расмийлаштирилган ва томонлар уларни имзолашган бўлса, хақиқий хисобланади.

53. Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги мазкур шартномадан келиб чиқмайдиган янги мажбуриятлар пайдо бўлишига олиб келадиган хар қандай ахдлашувни асосланган холда расмийлаштирилиши ва амалдаги конунларга асосланиб тасдиқлаши керак.

54. Агар Пудратчи шартнома бўйича ишлар якунлангандан кейин қурилиш майдонида ўзига тегишли мол-мулкни қолдирса, у холда Буюртмачи Пудратчи қурилиш майдонини озод қилиш санасигача бажарилган ишлар учун унга хақ тўлашни кечиктиришга хақлидир.

55. Мазкур шартномада назарда тутилмаган бошқа барча холлар учун амалдаги қонун хужжатлари нормалари қўлланилади.

56. Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган 2 (икки) нусхада тузилди.

57. Шартнома имзоланиб, 06.05.2022йил Ғазначиликдан руйхатдан утгандан сунг конуний кучга киради ва амал килиш муддати 31.12.2022 йилгача хисобланади.

## XVII. ТОМОНЛАРНИНГ БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ ВА ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ:

**ПУДРАТЧИ**

Ташкилот номи: ISLOMBEK SIFAT QURILISH
Манзил: Самарқанд тумани, Улуғбек ҚФЙ

Телефон: (91)-529-17-55
Х\р: 20208000400291969001

Банк номи: "АТ ХАЛҚ БАНК"
Банк коди: (МФО) 00734
ИНН: 302859764
ОКЭД: 41203

Рахбар: ________ И.Кенжаев

**БУЮРТМАЧИ**

Ташкилот номи: Самарқанд туман Халқ таълими бўлими
Манзил: Самарқанд туман, Пулимуғоб маҳалласи

Телефон: (97)-578-78-80
ШХ/Р:
ШХ/Р:100022860182337092100075077
Ташкилот СТИР: 200776975
ОКЭД: 85310
КТУТ
Ғазначилик булими:Уз.Рес.Молия ваз Газначилиги
Ягона ғазна хисоб варағи
Ғазначилик х/р:23402000300100001010
Банк номи Тошкент ш. Марказий банк
Банк коди(МФО) 00014
Ғазначилик СТИРи: 201122919
Рахбар: ________ Б.Мардонов

IJRO.GOV.UZ тизими орқали ЭРИ билан тасдиқланган, Ҳужжат коди: VB1546027542

O`ZBEKISTON RESPUBLIKASI ADLIYA VAZIRLIGI
SAMARQAND VILOYAT ADLIYA BOSHQARMASI
SAMARQAND TUMAN YURIDIK XIZMAT KO`RSATISH MARKAZI

# YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO'G'RISIDA HUQUQIY XULOSA

1. Loyihaning turi: **Shartnoma**

2. Loyihaning nomi: **"ISLOMBEK SIFAT QURILISH" MCHJ bilan Samarqand tuman HTB o'rtasida tuzilgan joriy ta'mirlashga oid №-7-sonli shartnomasi to'g'risida**

3. Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma'lumot:

   **Samarqand tuman HTB tomonidan 29.08.2022 yil ishlab chiqilgan va 29.08.2022 yil tizimga kiritilgan**

Loyiha amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni qabul qilish maqsadga muvofiq.

**05.09.2022 yil**

**Yuridik xizmat ko'rsatish markazi**
**Bosh yuriskonsulti** **I.Pirimkulov**

Ijrochi: I.Pirimkulov
Tel: (93) 331-86-96

**ПРИЛОЖЕНИЕ К ДОГОВОРУ** № 7

## СПЕЦИФИКАЦИЯ

### ТЕКУЩИЙ РЕМОНТ ЗДАНИЯ ФИЛИАЛА ШКОЛЫ №19 В САМАРКАНДСКОМ РАЙОНЕ САМАРКАНДСКОЙ ОБЛАСТИ

| № п.п | Шифр номера нормативов и коды ресурсов | Наименование работ и затрат, характеристика оборудования и его масса | Единица измерения | Количество | | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | на ед. измерения | по проектным данным | по проектным данным |
| 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 | 7 |
| 1 | | РАЗБОРКА ДЕРЕВЯННЫХ ЗАПОЛНЕНИЙ ПРОЕМОВ ОКОННЫХ БЕЗ ПОДОКОННЫХ ДОСОК | 100М2 | 0,1400 | 3946011 | 552 442 |
| 2 | | РАЗБОРКА ДЕРЕВЯННЫХ ЗАПОЛНЕНИЙ ПРОЕМОВ ДВЕРНЫХ И ВОРОТНЫХ | 100М2 | 0,0840 | 2373408 | 199 366 |
| 3 | | УСТАНОВКА В ЖИЛЫХ И ОБЩЕСТВЕННЫХ ЗДАНИЯХ ОКОННЫХ БЛОКОВ ИЗ ДЕРЕВО АЛЮМИНИЯ, АЛЮМИНИЯ, МЕТАЛЛОПЛАСТИКА В КАМЕННЫХ СТЕНАХ, ОТКРЫВАЮЩИМИСЯ (ПОВОРОТНЫХ, ОТКИДНЫХ, ПОВОРОТНО-ОТКИДНЫХ) С ПЛОЩАДЬЮ ПРОЕМА ДО 2 М2 | 100 М2 | 0,0700 | 88813917 | 6 216 974 |
| 4 | | УСТАНОВКА БЛОКОВ ДЕРЕВО АЛЮМИНИЕВЫХ, АЛЮМИНИЕВЫХ, МЕТАЛЛОПЛАСТИКОВЫХ В НАРУЖНЫХ И ВНУТРЕННИХ ДВЕРНЫХ ПРОЕМАХ В КАМЕННЫХ СТЕНАХ ПЛОЩАДЬЮ ПРОЕМА ДО 3 М2 | 100М2 | 0,0840 | 88152711 | 7 404 828 |
| 5 | | УСТАНОВКА ПОДОКОННЫХ ДОСОК ИЗ ПВХ В КАМЕННЫХ СТЕНАХ ТОЛЩИНОЙ ДО 0,51 М | 100 М | 0,0600 | 6375968 | 382 558 |
| 6 | | ПРОВОД В ЗАЩИТНОЙ ОБОЛОЧКЕ ИЛИ КАБЕЛЬ ДВУХ-ТРЕХЖИЛЬНЫЕ ПОД ШТУКАТУРКУ ПО СТЕНАМ ИЛИ В БОРОЗДАХ | 100М | 2,7000 | 930663 | 2 512 791 |
| 7 | | ПРОВОДА СИЛОВЫЕ ДЛЯ ЭЛЕКТРОУСТАНОВОК НА НАПРЯЖЕНИЕ ДО 450В С МЕДНЫМИ ЖИЛАМИ ПЛОСКИЕ МАРКИ ППВ С ЧИСЛОМ ЖИЛ И СЕЧ. 2Х2,5 ММ2 | 1000М | 0,1500 | 7753665 | 1 163 050 |
| 8 | | ПРОВОДА СИЛОВЫЕ ДЛЯ ЭЛЕКТРОУСТАНОВОК НА НАПРЯЖЕНИЕ ДО 450В С МЕДНЫМИ ЖИЛАМИ ПЛОСКИЕ МАРКИ ППВ С ЧИСЛОМ ЖИЛ И СЕЧ. 2Х1 ММ2 | 1000М | 0,1200 | 3550079 | 426 009 |
| 9 | | ШТУКАТУРКА ПОВЕРХНОСТЕЙ ИЗВЕСТКОВЫМ РАСТВОРОМ УЛУЧШЕННАЯ ПО КАМНЮ И БЕТОНУ СТЕН | 100М2 | 1,7200 | 2513926 | 4 323 953 |
| 10 | | СПЛОШНОЕ ВЫРАВНИВАНИЕ ПОВЕРХНОСТЕЙ (ОДНОСЛОЙНАЯ ШТУКАТУРКА) ГИПСОВЫМИ СУХИМИ СМЕСЯМИ ТОЛЩИНОЙ ДО 10 ММ СТЕН | 100М2 | 1,7200 | 2390856 | 4 112 273 |
| 11 | | ВЫЧИТАЕТСЯ ПОЗИЦИЯ НА КАЖДЫЙ ММ ИЗМЕНЕНИЯ ТОЛЩИНЫ ИСКЛЮЧАЕТСЯ СТЕН ИСКЛЮЧИТЬ ТОЛЩ 5ММ | 100М2 | -1,7200 | 999665 | -1 719 424 |
| 12 | | ОКРАСКА ПОЛИВИНИЛАЦЕТАТНЫМИ ВОДОЭМУЛЬСИОННЫМИ СОСТАВАМИ УЛУЧШЕННАЯ ПО СБОРНЫМ КОНСТРУКЦИЯМ, ПОДГОТОВЛЕННЫМ ПОД ОКРАСКУ СТЕН | 100М2 | 1,7200 | 1233763 | 2 122 072 |
| 13 | | СПЛОШНОЕ ВЫРАВНИВАНИЕ ПОВЕРХНОСТЕЙ (ОДНОСЛОЙНАЯ ШТУКАТУРКА) ГИПСОВЫМИ СУХИМИ СМЕСЯМИ ТОЛЩИНОЙ ДО 10 ММ ПОТОЛКОВ | 100М2 | 0,7000 | 2838165 | 1 986 716 |
| 14 | | ВЫЧИТАЕТСЯ ПОЗИЦИЯ НА КАЖДЫЙ ММ ИЗМЕНЕНИЯ ТОЛЩИНЫ ИСКЛЮЧАЕТСЯ ПОТОЛКОВ ИСКЛЮЧИТЬ ТОЛЩ 8ММ | 100М2 | -0,7000 | 1440055 | -1 008 038 |
| 15 | | ОКРАСКА ПОЛИВИНИЛАЦЕТАТНЫМИ ВОДОЭМУЛЬСИОННЫМИ СОСТАВАМИ УЛУЧШЕННАЯ ПО СБОРНЫМ КОНСТРУКЦИЯМ, ПОДГОТОВЛЕННЫМ ПОД ОКРАСКУ ПОТОЛКОВ | 100М2 | 0,7000 | 1365689 | 955 983 |
| 16 | | КЛАДКА СТЕН КИРПИЧНЫХ ВНУТРЕННИХ ПРИ ВЫСОТЕ ЭТАЖА ДО 4 М (ЗАДЕЛКА ПРОЕМОВ) | М3 | 2,8000 | 670541 | 1 877 514 |
| 17 | | УСТРОЙСТВО ПОКРЫТИЙ БЕТОННЫХ ТОЛЩИНОЙ 30 ММ | 100М2 | 0,4700 | 2599954 | 1 221 979 |
| 18 | | УКЛАДКА ЛАМИНИРОВАННОГО НАПОЛЬНОГО ПОКРЫТИЯ, "ПЛАВАЮЩИМ" СПОСОБОМ, ТИПА PERGO БЕЗ КЛЕЯ | 100М2 | 0,4700 | 14734604 | 6 925 264 |
| 19 | | УСТРОЙСТВО ПЛИНТУСОВ ПЛАСТИКОВЫХ НА ВИНТАХ САМОНАРЕЗАЮЩИХ | 100М | 0,3000 | 1201823 | 360 547 |
| 20 | | УЛУЧШЕННАЯ МАСЛЯНАЯ ОКРАСКА РАНЕЕ ОКРАШЕННЫХ ПОЛОВ ЗА ДВА РАЗА С РАСЧИСТКОЙ СТАРОЙ КРАСКИ ДО 35 % | 100М2 | 0,2100 | 1572476 | 330 220 |
| 21 | | УЛУЧШЕННАЯ МАСЛЯНАЯ ОКРАСКА РАНЕЕ ОКРАШЕННЫХ СТЕН ЗА ДВА РАЗА С РАСЧИСТКОЙ СТАРОЙ КРАСКИ ДО 35 % | 100М2 | 0,6000 | 1775967 | 1 065 580 |
| 22 | | УСТРОЙСТВО ОСНОВАНИЙ И ПОКРЫТИЙ ИЗ ПЕСЧАНО-ГРАВИЙНЫХ СМЕСЕЙ ОДНОСЛОЙНЫХ ТОЛЩИНОЙ 12 СМ | 1000М2 | 0,1200 | 7912503 | 949 500 |
| 23 | | УСТРОЙСТВО ЦЕМЕНТОБЕТОННЫХ ПОКРЫТИЙ ОДНОСЛОЙНЫХ СРЕДСТВАМИ МАЛОЙ МЕХАНИЗАЦИИ, ТОЛЩИНА СЛОЯ 20 СМ | 1000М2 | 0,1200 | 99213156 | 11 905 579 |
| 24 | | ИСКЛЮЧИТЬ ТОЛЩ 9СМ | 1000М2 | -0,1200 | 42521918 | -5 102 630 |
| 25 | | ГЛАДКАЯ ОБЛИЦОВКА СТЕН, СТОЛБОВ, ПИЛЯСТР И ОТКОСОВ ИЗ КЕРАМОГРАНИТНЫХ ПЛИТОК ТОЛЩИНОЙ ДО 15 ММ НА КЛЕЕ ИЗ СУХИХ СМЕСЕЙ ПО КИРПИЧУ И БЕТОНУ, ЧИСЛО ПЛИТ ДО 10 ШТ НА М2 | 100М2 | 0,1800 | 22380787 | 4 028 542 |
| 26 | | ОКРАСКА ФАСАДОВ С ЛЕСОВ ПО ПОДГОТОВЛЕННОЙ ПОВЕРХНОСТИ ПОЛИВИНИЛАЦЕТАТНАЯ | 100М2 | 0,8700 | 524980 | 456 732 |
| 27 | | УСТАНОВКА СВЕТИЛЬНИКОВ LED 18W | 100ШТ | 0,1000 | 2163004 | 216 300 |
| 28 | | СВЕТИЛЬНИКОВ LED 18W | ШТ | 10,0000 | 100722 | 1 007 217 |
| 29 | | ВЫКЛЮЧАТЕЛИ, ПЕРЕКЛЮЧАТЕЛИ И ШТЕПСЕЛЬНЫЕ РОЗЕТКИ ВЫКЛЮЧАТЕЛЬ ОДНОКЛАВИШНЫЙ УТОПЛЕННОГО ТИПА ПРИ СКРЫТОЙ ПРОВОДКЕ | 100ШТ | 0,0400 | 936955 | 37 478 |
| 30 | | ВЫКЛЮЧАТЕЛЬ ОДНОКЛАВИШНЫЙ ДЛЯ СКРЫТОЙ ПРОВОДКИ, ТИП С-1-86-10/220 | ШТ | 4,0000 | 16742 | 66 968 |
| 31 | | ВЫКЛЮЧАТЕЛИ, ПЕРЕКЛЮЧАТЕЛИ И ШТЕПСЕЛЬНЫЕ РОЗЕТКИ РОЗЕТКА ШТЕПСЕЛЬНАЯ УТОПЛЕННОГО ТИПА ПРИ СКРЫТОЙ ПРОВОДКЕ | 100ШТ | 0,0400 | 1115990 | 44 640 |
| 32 | | РОЗЕТКА ШТЕПСЕЛЬНАЯ С ПЛОСКИМИ КОНТАКТАМИ ДЛЯ СКРЫТОЙ УСТАНОВКИ НАПРЯЖЕНИЕМ 220 В, НА ТОК 10 А, ТИП РШ-П-20-С-01-10/220-У3 | ШТ | 4,0000 | 18602 | 74 409 |
| | | **ИТОГО:** | | | | **55 097 391** |
| | | **НДС-15%** | | | | **8 264 609** |
| | | **ИТОГО С НДС:** | | | | **63 362 000** |

M. Keимов

ISLOMBEK SIFAT QURILISH

# Протокол закупочной комиссии по конкурсу лот № 140871 на приобретение Текущий ремонт здания филиала школы №19

Способ проведения электронный

Дата 26.08.2022

Время рассмотрения 26.08.2022 15:56

Конкурсная комиссия Халк таълими булими, (Далее – Комиссия) в составе:

| | | | |
|---|---|---|---|
| **Председатель комиссии** | XAKIMOV ABDUXALIL XAMIDOVICH | Хизмат бошлиғи | Samarqand tuman Xalq ta'limi bo'limi |
| **Секретарь комиссии** | RAJABOV SIROJ SHUXRAT O‘G‘LI | TMZ buxgalter | Samarqand tuman Xalq ta'limi bo'limi |
| **Член комиссии** | DJALOLOV JURABEK ADASHOVICH | Mudir o'rinbosari | Samarqand tuman Xalq ta'limi bo'limi |
| **Член комиссии** | UZOKOV ZAFAR SADILLOYEVICH | Bosh hisobchi o'rimbosari | Samarqand tuman Xalq ta'limi bo'limi |
| **Член комиссии** | NORBOYEV XURSHED JURAMURODOVICH | Bosh itisodchi | Samarqand tuman Xalq ta'limi bo'limi |
| **Член комиссии** | ABULXAYROV SHERZOD RUSTAMOVICH | M.M.I.B.M.O' | Samarqand tuman Xalq ta'limi bo'limi |

Рассмотрев поступивших предложений со стороны участников по опубликованному объявлению на специальном информационном портале от 26.08.2022 года № лота 140871.
Метод оценки предложений – Бальный метод (Весовой коэф.технико-квалификационной части: 70.00 / Весовой коэф. ценовой части: 30.00)

Мин. балл: 40

Предмет закупки:

| **Наименование товара (работы, услуги)** | **Услуга по текущему ремонту нежилых зданий** |
|---|---|
| Подробное описание | Текущий ремонт здания филиала школы №19 |
| Количество товара | 1.00 |
| Единица измерения | |
| Цена товара (услуги) за единицу | 64 362 342.00 |
| Стартовая сумма | 64 362 342.00 |
| Валюта | UZS |

По итогам рассмотрения поступивших предложений по технической части участникам присвоены следующие баллы:

Критерий №1 Қурилиш ташкилотларининг "ССС" кўрсатгичдан кам бўлмаслиги

Тип: Текстовое значение

Описание: Қурилиш ташкилотларининг "ССС" кўрсатгичдан кам бўлмаслиги

Обязательность: Не критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **"ISLOMBEK SIFAT QURILISH" mas`uliyati cheklangan jamiyati** | 20 | хужжат такдим килинди | 15 | Экспертная | | |

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| MAROKANDA CITADEL MCHJ | 20 | талаб килинган хужжатлар такдим килинади | 5 | Экспертная | | |

Критерий №2 Инқирозлик мавжуд эмаслиги тўғрисидаги маълумот

Тип: Текстовое значение

Описание: Инқирозлик мавжуд эмаслиги тўғрисидаги маълумот

Обязательность: Не критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| "ISLOMBEK SIFAT QURILISH" mas`uliyati cheklangan jamiyati | 20 | хужжат такдим килинди | 15 | Экспертная | | |
| MAROKANDA CITADEL MCHJ | 20 | талаб килинган хужжатлар такдим килинади | 8 | Экспертная | | |

Критерий №3 Солиқдан қарздорлиги мавжуд эмаслиги тўғрисида QR кодли маълумотноманинг мавжудлиги

Тип: Текстовое значение

Описание: Солиқдан қарздорлиги мавжуд эмаслиги тўғрисида QR кодли маълумотноманинг мавжудлиги

Обязательность: Не критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| "ISLOMBEK SIFAT QURILISH" mas`uliyati cheklangan jamiyati | 20 | хужжат такдим килинди | 16 | Экспертная | | |
| MAROKANDA CITADEL MCHJ | 20 | талаб килинган хужжатлар такдим килинади | 12 | Экспертная | | |

Критерий №4 Ташкилотнинг уч йиллик молиявий аҳволи тўғрисида маълумотнома

Тип: Текстовое значение

Описание: Ташкилотнинг уч йиллик молиявий аҳволи тўғрисида маълумотнома

Обязательность: Не критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| "ISLOMBEK SIFAT QURILISH" mas`uliyati cheklangan jamiyati | 20 | хужжат такдим килинди | 15 | Экспертная | | |
| MAROKANDA CITADEL MCHJ | 20 | талаб килинган хужжатлар такдим килинади | 10 | Экспертная | | |

Критерий №5 Иш бажарувчининг рухсатномасининг (лицензия)мавжудлиги

Тип: Текстовое значение

Описание: Иш бажарувчининг рухсатномасининг (лицензия)мавжудлиги

Обязательность: Не критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **"ISLOMBEK SIFAT QURILISH" mas`uliyati cheklangan jamiyati** | 20 | хужжат такдим килинди | 15 | Экспертная | | |
| **MAROKANDA CITADEL MCHJ** | 20 | талаб килинган хужжатлар такдим килинади | 12 | Экспертная | | |

Оценка участников финансовой части составила:

| Наименование участника | Стартовая сумма | Предлагаемая сумма | Сумма с учетом конвертации (UZS) | Применение преференции | Общее значение (UZS) | Дата предложения | Оценка стоимости (балл) |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| **"ISLOMBEK SIFAT QURILISH" mas`uliyati cheklangan jamiyati** | 64 362 342.00 | 63 362 000.00 UZS | 63 362 000.00 | 00.00 | 63 362 000.00 | 26.08.2022 10:21:26 | 30.00 |
| **MAROKANDA CITADEL MCHJ** | 64 362 342.00 | 64 362 000.00 UZS | 64 362 000.00 | 00.00 | 64 362 000.00 | 26.08.2022 10:34:53 | 29.53 |

Итоговая оценка участников включая финансовой части составила:

| Наименование участника | Общий балл по технической части | Общий балл по финансовой части | Итоговый балл |
|---|---|---|---|
| **"ISLOMBEK SIFAT QURILISH" mas`uliyati cheklangan jamiyati** | 53.2 | 30 | 83.2 |
| **MAROKANDA CITADEL MCHJ** | 32.9 | 29.53 | 62.43 |

Закупочная комиссия по конкурсу лот № 140871 от 26.08.2022 года на приобретение Текущий ремонт здания филиала школы №19 определила победителем:

"ISLOMBEK SIFAT QURILISH" mas`uliyati cheklangan jamiyati
302859764

и резервный исполнитель: MAROKANDA CITADEL MCHJ (302947346)

Проголосовали

| Комиссия | Ф.И.О. | Голосование | Комментарии |
|---|---|---|---|
| **Председатель комиссии** | XAKIMOV ABDUXALIL XAMIDOVICH | Согласен | |
| **Член комиссии** | DJALOLOV JURABEK ADASHOVICH | Согласен | |

| | | | |
|---|---|---|---|
| **Член комиссии** | UZOKOV ZAFAR SADILLOYEVICH | Согласен | |
| **Член комиссии** | NORBOYEV XURSHED JURAMURODOVICH | Согласен | |
| **Член комиссии** | ABULXAYROV SHERZOD RUSTAMOVICH | Согласен | |

Протокол закупочной комиссии подписан посредством ЭЦП